

2, 7, 11, 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида  
аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш  
тўғрисида **FR37762345**

**2-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил "14" Январь

Уйчи шаҳарчаси

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган «Олвализор Матлубот Улғуржи Чакана Савдо» МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Р.Жамалов бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи деб аталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи Уйчи тумани мактабгача таълим бўлими номидан мудира Э.Тўрабаева иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартноманинг предмети**

1.1. Уйчи тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 2, 7, 11, 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонустга, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома 2, 7, 11, 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома қиймати 2, 7, 11, 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ 509 280 247,94 (Беш юз тўққиз миллион икки юз саксон миң икки юз қирқ етти сўм 94 тийин) сўмини ташкил этади.

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар сони кўнайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

Ташкилот номи	Тарбияланувчилар сони (нафар)				СанҚаМ бўйича 1 нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати* (сўмда)			Шартнома амал қилиш муддати давомида иш кунлари сони	Жами харажат (сўмда)	Устама (ҚҚС билан)		Шартноманинг умумий қиймати
	Жами	3-еш	4-7 еш	Қисқа гуруҳ	3-еш	4-7 еш	Қисқа гуруҳ			%	Сўмда	
1	2=3+4+5	3	4	5	6	7	8	9	$10=((3*6)+(4*7)+(5*8))*9$	$11=10*14\%$	$12=(10+11)*14\%$	13=10+12
2-ДМТГ	223	109	114		10 565,50	12 537,00		60	154 851 450,0	21 679 203,00	24 714 291,42	179 565 741,42
7-ДМТГ	110	47	63		10 565,50	12 537,00		60	77 184 570,0	10 805 839,80	12 318 657,37	89 503 227,37
11-ДМТГ	176	67	72	37	10 565,50	12 537,00	3 117,0	60	103 552 890,0	14 497 404,60	16 527 041,24	120 079 931,24
22-ДМТГ	147	59	88		10 565,50	12 537,00		60	103 597 230,0	14 503 612,20	16 534 117,91	120 131 347,91
	656,00	282,00	337,00	37,00				240,00	439 186 140,0	61 486 059,60	70 094 107,94	509 280 247,94

\* Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда турувчи 3 ёшли тарбияланувчилар сони 282 (Икки юз саксон икки) нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати 10 565,50 сўмини ташкил этади, МТГ рўйхатида турувчи 4-7 ёшли тарбияланувчилар сони 337 (Уч юз ўттиз етти) нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати 12 537 сўминташқил этади ва МТГ рўйхатида турувчи қисқа муддатли гуруҳ тарбияланувчилар сони 37 (Ўттиз етти) нафар, бир нафар тарбияланувчининг бир кунлик овқатлантириш харажати 3 117 сўминташқил этади.

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада, ойма-ой тўлов жадвали 2- иловада келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотларида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10 % ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритиши мумкин.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**2.1. Аутсорсернинг ҳуқуқлари:**

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш; ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идish-товуқлари ва мебелдан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш; кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш. Аутсорсер қонунчилида тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:** тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзига санитария қоидалари, нормалари ва гигиена

нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш; таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида ҳудудий давлат санитария эпидемиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда

овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпаалар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидagi маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш; таиллов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича тақлиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3- иловада белгиланган муддатларда бажариш; бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

**2.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш; тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги махсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат махсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шартларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан тақлиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

Буюртмачи қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш; ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идish-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш; аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Буюртмачига қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юқлиниши мумкин.

2.5. Наманган вилояти ва Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан овқатланишнинг тасдиқланган меъёрларига асосланиб кутилаётган қиймати битта овқатланувчи учун бозор қийматида нархланмаган озиқ-овқат суммаси белгиланадиган ўртача нархдан юқори бўлмаган ҳамда 20% қўшимча харажатлар учун Аутсорсер харажатлари ( иш ҳақи, солиқ, транспорт, ускунани таъмирлаш ва фойдаланиш харажатлари) га рухсат этилади.

### III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб 15 фонд миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади; аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

### IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Аутсорсер қуйидагиларга жавобгардир:

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва etkazиб бериш); овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган махсулотлардан фойдаланишга; тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қондаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазиғга мутаносиблигига; тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан бодаларга берилишига, болаларга ачиган, айинган ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермаслиқига.

таомномада махсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда etkazилишига; ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкни бут сақлиниши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга; танлов жараёнида санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шартларни яратиш бўйича тақлиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажаришга; бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

4.2. Буюртмачи қуйидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идish-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга; кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шартларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан тақлиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга; аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга.



## 1- ИЛОВА

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини

Бир кунлик овқатлантириш харажати

## ҲИСОБ-КИТОБИ

FR37762345

9-соат 4-7 ешли

№	Маҳсулотлар номи	Миқдори (грамм)*	Нархи (сўм)	Суммаси** (сўм)
1	Нон 1-навли (витамин ва минераллар билан бойитилган)	100	3 500,0	350,0
2	Бўғдой уни 1-навли	30	3 000,0	90,0
3	Меваги кисел тайёрлаш учун крахмал	3		
4	Ёрмалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр.	45	9 500,0	427,5
5	Шакар	25	9 000,0	225,0
6	Қандолат маҳсулотлари (мураббо, джем, гематоген ва бошқ.)	10	13 000,0	130,0
7	Сарғ 82,5%ли	20	44 000,0	880,0
8	Ўсимлик ёғи	8	15 000,0	120,0
9	Табиий сут	200	4 500,0	900,0
10	Кефир, йогурт	100	11 500,0	1 150,0
11	Сметана	5	14 000,0	70,0
12	Творог	20	18 000,0	360,0
13	Питлоқ	10	45 000,0	450,0
14	Гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қуён гўшти)	80	52 000,0	4 160,0
15	Балиқ (тозаланган ва музлатилган)	20	15 000,0	300,0
16	Тухум (дона)	0,5	950,0	525,0
17	Картошка	120	4 500,0	540,0
18	Сабзавотлар(шу жумладан помидор пастаси 3-5 гр)	180	4 500,0	810,0
19	Мева, мева шарбатлари, витаминли ичимликлар	150	5 000,0	750,0
20	Қуруқ мева	10	6 000,0	60,0
21	Чой	3	24 000,0	72,0
22	Какао	2	60 000,0	120,0
23	Йодланган тузи	5	1 500,0	7,5
24	Ачиткилар (дрожлар)	1	40 000,0	40,0
	Жами	X		12 537,0

## 1- ИЛОВА

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини

Бир кунлик овқатлантириш харажати

## ҲИСОБ-КИТОБИ

9-соат 3 ешли

№	Маҳсулотлар номи	Миқдори (грамм)*	Нархи (сўм)	Суммаси** (сўм)
1	Нон 1-навли (витамин ва минераллар билан бойитилган)	90	3 500,0	315,0
2	Бўғдой уни 1-навли	25	3 000,0	75,0
3	Меваги кисел тайёрлаш учун крахмал	3		
4	Ёрмалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр.	35	9 500,0	332,5
5	Шакар	20	9 000,0	180,0
6	Қандолат маҳсулотлари (мураббо, джем, гематоген ва бошқ.)	10	13 000,0	130,0
7	Сарғ 82,5%ли	15	44 000,0	660,0
8	Ўсимлик ёғи	7	15 000,0	105,0
9	Табиий сут	180	4 500,0	810,0
10	Кефир, йогурт	100	11 500,0	1 150,0
11	Сметана	5	14 000,0	70,0
12	Творог	20	18 000,0	360,0
13	Питлоқ	8	45 000,0	360,0
14	Гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қуён гўшти)	60	52 000,0	3 120,0
15	Балиқ (тозаланган ва музлатилган)	20	15 000,0	300,0
16	Тухум (дона)	0,5	950,0	525,0
17	Картошка	100	4 500,0	450,0

18	Сабзавотлар(шу жумладан помидор пастаси 3-5 гр)	150	4 500,0	675,0
19	Мевалар, мева шарбатлари, витаминли ичимликлар	130	5 000,0	650,0
20	Қуруқ мевалар	10	6 000,0	60,0
21	Чой	3	24 000,0	72,0
22	Какао	2	60 000,0	120,0
23	Йодланган тузи	4	1 500,0	6,0
24	Ачитқилар (дрожлар)	1	40 000,0	40,0
Жами		X		10 565,5

1-сонли шартномага

2022 йил " 14 " Январдаги

1- ИЛОВА

Санитария қондалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини  
Бир кунлик овқатлантириш харажати

ҲИСОБ-КИТОВИ

4-соат

№	Маҳсулотлар номи	Миқдори (грамм)*	Нархи (сўм)	Суммаси** (сўм)
1	Нон 1-навли (витамин ва минераллар билан бойитилган)	50	3 500,0	175,0
2	Бўғдой уни 1-навли		3 000,0	
3	Мевали кисел тайёрлаш учун крахмал			
4	Ермалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулот-лари, шу жумладан, мош-3 гр		9 500,0	
5	Шакар	5	9 000,0	45,0
6	Қандолат маҳсулотлари (мураббо, джем, гематоген ва бошқ.)		13 000,0	
7	Сарғет 82,5%ли	10	44 000,0	440,0
8	Ўсимлик ёғи		15 000,0	
9	Табний сут	100	4 500,0	450,0
10	Кефир, йогурт	100	11 500,0	1 150,0
11	Сметана		14 000,0	
12	Творог		18 000,0	
13	Пишлоқ	5	45 000,0	225,0
14	Гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қўён гўшти)		52 000,0	
15	Балиқ (тозаланган ва музлатилган)		15 000,0	
16	Тухум (дона)		950,0	
17	Картошка		4 500,0	
18	Сабзавотлар(шу жумладан помидор пастаси 3-5 гр)		4 500,0	
19	Мевалар, мева шарбатлари, витаминли ичимликлар	100	5 000,0	500,0
20	Қуруқ мевалар		6 000,0	
21	Чой	3	24 000,0	72,0
22	Какао	1	60 000,0	60,0
23	Йодланган тузи		1 500,0	
24	Ачитқилар (дрожлар)		40 000,0	
Жами		X		3 117,0

\*) Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ташкилотларида соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этишга қўйилган гигиена талаблари (СанПиН) бўйича бир нафар бола учун бир кунлик маҳсулотлар меъёри ёзилади.

\*\*) Туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари нархларидан ошмаган ҳолда таклиф этилаётган озиқ-овқат нархлари ёзилади.

Суммаси – маҳсулот миқдорини маҳсулот нархига қўлайтириш орқали аниқланади.

FR37762345

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома бўйича  
 тўловларни амалга ошириш графиги

№	Йил ва ой	Тўлов миқдори (сўм)
1	2022 йил Январь	169 760 082,65
2	2022 йил Февраль	169 760 082,65
3	2022 йил Март	169 760 082,65
4	2022 йил Апрель	
5	2022 йил Май	
6	2022 йил Июнь	
7	2022 йил Июль	
8	2022 йил Август	
9	2022 йил Сентябрь	
10	2022 йил Октябрь	
11	2022 йил Ноябрь	
12	2022 йил Декабрь	
Жами		509 280 247,94

Шартномага

## 3- ИЛОВА

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қондалари,  
 нормалари ва гигиена нормативларига мос шaroитларни кратиш

Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддатлари	Сарфланадиган маблағ (сўм)
Чўмич, калкир, пичоқ, кастриюкчалар, тахтакач, бидон ва бoshчалар	2 ой муддат	32 800 000
Ошхона ходимлари униформалари, тозаловчи ва дезинфекцияловчи воситалар	2 ой муддат	13 600 000
Оқлаш, краскалаш, эшик ва деразаларни алмаштириш, кафелларни янгилаш (ошхона ва ёрдамчи хоналар)	2022 йил 1-Июлгача	160 000 000
Электр плита, Газ плита, Пароконвектомат, Овқат пилириш қозонлари (Котел пишеворичный), Сув қайнатгич, Совутгич (холодильник), Музалатгич (морозильник), Гушт майдалагич, Қовуриш шкафи (Жарочный шкаф), Электрсковорадаси, Мойка, Шкаф (нон учун), Иш столи ( производственный стол), Ювиш ваннаси, Тарози, Стелаж омборхонага.	2022 йил 1-Июлгача	111 200 000
Жами		

Изоҳ: Амалга ошириладиган ишлар фақат талаб этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун.